

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

**428 Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари
учун ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартириш ва
қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2213-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-
ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил
12 июлдаги 267-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳуж-
жатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ва 2010 йил
20 июлдаги 153-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий
базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бую-**
раман:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-
ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда
ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси
бошлиғининг 2011 йил 1 мартдаги 56-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2213,
2011 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2011 й., 14-сон, 144-модда) билан тасдиқланган Мева-сабзавот маҳсулотла-
ри етиштириш ходимлари учун ишлар хавфсизлиги қоидаларига иловага
мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Бошлиқ

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 7 август,
109-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини
геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва
коммунал-маиший секторда ишларнинг
бехатар олиб борилишини назорат қилиш
Давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил
7 августдаги 109-сон буйруғига
ИЛОВА

**Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари учун
ишлар хавфсизлиги қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 32 — 35-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.

33. Ташкилот раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши зарур.

34. Тиббий кўриклар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

35. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.»

2. Қуйидаги мазмундаги 35¹ ва 35²-бандлар билан тўлдирилсин:

«35¹. Ташкилот раҳбарияти ўз ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарли оқибатлар учун жавобгар бўладилар.

35². Ходимларни соғлиғининг ҳолати туфайли уларга рухсат этилмаган ишларга қўйиш тақиқланади.»

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш,

метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси билан келишилган.

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ЗАКИРОВ

2014 йил 8 июль

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАИТОВ

2014 йил 8 июль

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

2014 йил 8 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2014 йил 8 июль

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

Ш. ТЕШАЕВ

2014 йил 8 июль

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2014 йил 8 июль

*«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиги*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2014 йил 8 июль

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КУРБАНОВ

2014 йил 8 июль

*«Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг
компанияси раиси*

Ш. РАХИМОВ

2014 йил 8 июль